



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси  
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Бугуннинг гапи

№ 02 (739) 31.01.2024 | ۲۰۰۷.۱۴۴۵

## Учинчи Ренессанс – тафаккур уйғониши демак

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга пойдевор қўйишга чақирмоқда. Аслида бир эмас, икки ренессанснинг асосчилари улуғ аждодларимиз бўлишган.

IX–XII асрларда Марказий Осиёда Биринчи Ренессанс ҳукм сурган даврларда Европа жаҳолат ботқоғидан чиқолмаётган эди. Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райхон Беруний, Имом Мотуридий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абул Муин Насафий, Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий каби буюк аждодларимиз ўз соҳасида тенгсиз алломалар сифатида доврў таратишди. Хоразмдаги Маъмун академияси эса дунё илм-маърифат бешиги бўлди. Мазкур илм даргоҳида математика, астрономия, география, кимё,

биология ва тиббиёт соҳаларида янги кашфиётлар амалга оширилди.

Иккинчи Ренессанс даврининг асосчиси Амир Темур бобомиз ҳисобланади. Чунки унинг қудратли салтанати остида янги илмий ва маданий юксалиш юзага келди. Бу давр Ислом оламининг “олтин давр”и бўлиши билан бирга, математика ва фалакиёт илмларининг ривожланишига олиб келди. Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар дунё майдонида чиқди. Мирзо Улуғбек бир йилда 365 кун, 5 соат, 49 дақиқа, 15 сония бор деб белгилаган. Вақтни замонавий асбоб-ускуналарда ҳисоблаб кўрган олимлар улуғ аллома фақатгина 25 сонияга адашганини аниқлашган.

Биз истаётган Учинчи Ренессанс,

шубҳасиз, Биринчи ва Иккинчи Ренессансда эришилган зако ва муваффақият негизига юзага келади.

Ҳар қандай тараққиётнинг асосида таълим, ҳалоллик ва адолат ётади. Мамлакатимизда таълим соҳасини чуқур ислоҳ этиб, замон талабларига мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар илк меваларини бера бошлади. Хусусан, сўнгги олти йил мобайнида олий таълим муассасалари сони икки баробарга кўпайди. Диний таълим соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми олий мактаби, “Мир Араб” олий мадрасаси ташкил этилди.

Асрорхон ТЕШАБОВЕВ,

“Мир Араб” олий мадрасаси талабаси

Долзарб мавзу

## Мусулмонни кофир дейиш – кечирилмас гуноҳ

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулуллоҳ солаллоху алайҳи ва саллам: **«Киши биродарига “эй кофир” деса, бу (сўз) икковидан бирига қайтади»**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ айтади: “Мусулмон кишини гуноҳи сабабли, гарчи катта гуноҳ бўлса ҳам, агар уни ҳалол санамаса, кофирга чиқармаймиз ва ундан мўминлик сифатини кетказмаймиз. Уни ҳақиқий мўмин деб атаймиз” (“Фикҳул акбар”).

Абу Жаъфар Таҳовий бундай дейди: “Қибла аҳлининг бирортасини гуноҳи сабабли, модомики гуноҳни ҳалол санамас экан, кофирга чиқармаймиз” (“Ақидатут Таҳовия”).

Ибн Нужайм раҳимахуллоҳ “Баҳрур роиқ” асарида айтади: “Агар бир инсонни амалига қараб кофир дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизтани қўйиб, ўша бир далилни олиш керак”.

Замонамизнинг забардаст уламиси Юсуф Қаразовий мусулмонни кофир дейиш ҳақида бундай дейди: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад алайҳиссалом Унинг ҳақ пайғамбари деб қалби билан тасдиқлаб, тили билан иқрор қилган киши мусулмондир. Унга мусулмонларга қилинадиган муомала қилиниши шарт”.

Салафи солиҳлар ҳам бу борада жуда эҳтиёткор бўлиб, гуноҳкор мусулмонни муртад ёки кофирга чиқаришмаган.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, бировнинг иймонини муҳокама қилиш ҳар кимнинг ҳам иши эмас. Бунинг ўрнига ўзимизнинг камчиликларимизни ислоҳ қилиш, ўзимиздан ошсак, бошқаларга ёрдам бериш билан шуғулланайлик. Мана шу ҳидоят ва саодат йўлидир.

Абдуҳалим ОЛИМОВ,

Сариосиё тумани “Мавлоно Абдулҳай” жоме масжиди имом-хатиби

### ҚИСКА САТРАЛДАРДА

✓ 5 январь. Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти қозиси Баҳраматдин Разов Беруний туманидаги масжидлар қурилиши ва ободлиги билан яқиндан танишиб, мутасадди вакилларга қатор топшириқ ва тавсиялар берди.

✓ 7 январь. Жидда шаҳрида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳаж ва умра вазири Тавфиқ ибн Фавзон ар-Рабаи, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содикжон Тошбоев ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда муборак сафарларни янада яхшилаш юзасидан икки томонлама келишув имзоланди.

✓ 7 январь. Вобкент туманидаги “Шакаркент” маҳалласида жойлашган “Хўжа Абдурахмон Афв” жоме масжиди янги биноси пойдеворида илк ғишт қўйилди.

✓ 16 январь. Тошкент ислом институти ва Россия Федерацияси Москва шаҳар Имом Бухорий номидаги мусулмонлар маҳаллий диний ташкилоти ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

### Мусулмоннинг қўрғони

**«Аллоҳумма ғафийний фий баданий, Аллоҳумма ғафийний фий самъий, Аллоҳумма ғафийний фий басорий, лаа илаҳа илла анта. Аллоҳумма инний аъзузу бика мин куфри вал фақри, Аллоҳумма инний аъзузу бика мин ғазабил қобри, лаа илаҳа илла анта».**

Маъноси: “Аллоҳим, баданимни, қулоғимни ва кўзимни офиятда қил. Эй Раббим, Сенинг номинг ила куфрдан, камбағалликдан ва қабр азобидан паноҳ тилайман. Сендан бошқа илоҳ йўқ” (Имом Абу Довуд ривояти).

\*\*\*

**«Йа Ҳаййу, йа Қоййум! Бироҳматика астағийсу. Аслиҳ лий ша'ний куллаҳу ва ла такилний ила нафсий торфата ғайнин».**

Маъноси: “Эй Ҳайй (тирик) ва Қаййум сифатига эга бўлган Зот! Сендан ёрдам сўрайман. Ишларимнинг барчасини ислоҳ эт ва кўз юмиб очғунчалик муддат ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўйма” (Имом Ибн Сунний ривояти).

# Масжиднинг саломни ҳақида биласизми?

Мўминлар бир-бирларининг уйларига боришса, хонадон аҳлига салом бериб киришади. Чунки Аллоҳ таоло шунга буюради: **«Бас, қачонки, уйларга кирсангиз, бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак, покиза саломни айтингиз»** (“Ассалому алайкум” денг)! **Сизлар ақл юргишларингиз учун Аллоҳ ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур»** (Нур сураси, 61-оят).

Худди шундай масжидга ҳам салом бериб кирилади. Бироқ масжиднинг саломни хонадон аҳлига бериладиган саломдан бироз фарқ қилади. Чунки масжид Аллоҳ таолога ибодат қилиш учун қурилган. Унинг саломни ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Араблар айтганидек: “Ҳар жойнинг ўз гапи, ҳар гапнинг гапириладиган ўрни бор”.

Абу Қатода Ҳорис ибн Рибъий розияллоҳу анхудан ривоят

қилинади: **«Масжидга кирсам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг орасида ўтирган эканлар. Мен ҳам ўтирдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ўтирмасингдан олдин икки ракат намоз ўқиб олишингдан сени нима ман қилди?” дедилар. Мен: “Ё Расулуллоҳ, қарасам, сиз ҳам ўтирибсиз, одамлар ҳам ўтиришган экан (шунга ўтирдим)”, дедим. У зот: “Бирортангиз масжидга кирса, икки ракат намоз ўқимагунча ўтирмасин”, дедилар»** (Имом Муслим ривояти).

Ушбу икки ракат намоз “Таҳийятул масжид”, яъни “масжиднинг саломни” дейилади. Шунинг учун у масжидга киргандаёқ ўқилади. Мабоодо ўтириб олган бўлса ҳам, туриб ўқиб олса бўлади. “Таҳийятул масжид” намози — суннат. Аксар уламолар мустаҳаб деганлар. Уни беш ҳолатда ўқиб бўлмайди:

— қуёш чиқаётганда, қиёмга (тиккага) келганда ва ботаётганда;

— аср намози адо қилинганидан то шом намози ўқиб бўлингунча;

— бомдод вақти кирганидан то қуёш чиққунигача;

— имом мавъиза қилаётган пайтда;

— икки ҳайит кунлари қуёш чиққанидан то ҳайит намози ўқилгунигача (“Иноя шарҳи Ҳидоя”).

Мазкур ҳолатларда масжидга кирган киши “таҳийятул масжид” ўрнига **“Субҳааналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Аллоҳумма солли ва саллим ъала набийи-наа Муҳаммад”** деса, кифоя.

Агар киши масжидга кирганида жамоат суннат ё фарз намозини бошлаган бўлса, у ҳам суннат ё фарзга киришади. “Таҳийятул масжид” унинг зиммасидан соқит бўлади (чунки у ўтириб олмай, намозга киришиб кетди) (“Раддул мухтор”).

Демак, масжидга кирган киши дарҳол фарз ёки бошқа намозга киришиб кетса, ният қилмаса ҳам, “таҳийятул масжид”нинг ўрнига кифоя қилаверади. Заҳурат юзасидан масжидга бир кунда бир неча бор кирадиган кишилар (масалан, масжид ходимлари), бир марта ўқиса, кифоя қилади. Масжиддан ўтиб кетаётганлар “таҳийятул масжид” ўқимайди.

Масжидул Ҳаромнинг “таҳийяти” (саломни) — таовф. Шунинг учун унга кирган киши ишни таовфдан бошлайди. Чунки Масжидул Ҳаромда қилиниши керак бўлган энг афзал амал таовф ҳисобланади.

**Фахриддин МУҲАММАД НОСИР,**

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институти

“Ҳадис ва Ислом тарихи фанлари”

кафедраси ўқитувачиси

Мутолаа

## Шубҳаларга, васвасаларга мойиллик

Агар бирор киши турли шубҳа, васвасаларни ақлидан устун қўйса ва улар уни ҳаромга етакласа, бу нафсининг алдашидир.

### Муолажа услуви

Ушбу касалликдан халос бўлиш учун васвасалардан узоқлашиш ва улар онгни эгаллаб олишига имкон бермаслик,

Аллоҳнинг зикрини ва мувоқабасини унутмаслик керак.

Эй инсон! Наҳотки Аллоҳ таоло билиб турган камчилик ва хатоларингизни эътиборсиз қолдиришдан уялмайсиз?! Ахир одамлар билиб қоладиган хато-камчиликларингизни кетказишга астойдил уринасиз-ку?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта, Аллоҳ таоло**

**сизларнинг суратларингизга ҳам, мол-давлатингизга ҳам қарамайди, балки қалбингизга ва амалларингизга қарайди”**, деганлар (Имом Муслим ривояти).

Иброҳим Хаввос раҳимахуллоҳ айтади: “Аввалида гуноҳ инсоннинг боши (фикрлари)да дон шаклида бўлади. Уни имкон қадар тезроқ йўқ қилиш керак, акс ҳолда, у илдиз отади, кейин ундан

кутулиш анча қийинлашади. Кейинчалик илдиз отган гуноҳ васвасага айланади. Инсон нафсини ва руҳини тарбиялаш орқали бу касалликдан қутулиши мумкин. Акс ҳолда, ундан шаҳват дарахти ўсиб чиқади. Шунда гуноҳ ақлни, онгни ва иродани тўлиқ эгаллаб олади”.

Абу Бакр Розий айтади: “Нафс ва шаҳват ақлни, онгни ва инсоннинг интилишларини эгаллайди”.

## Одамларнинг камчиликларини ахтариш

Фақат бошқаларнинг камчиликларини кўриб, ўзиникига кўз юмиш ҳам нафс касаллиги саналади.

### Муолажа услуви

Ушбу касалликдан халос бўлиш учун инсон ўз нафсини таниши ва унинг барча макр-хийлаларини билиб олиши лозим. Шунингдек, банда кўпроқ ўз нафсини тергаши, иложи борица солиҳлар билан ҳамсуҳбат бўлиши, уларнинг панд-насиҳатларига амал қилиши ва кўрсатмаларига қулоқ солиши керак.

Инсон ўз камчиликларини тўзатмаган тақдирда ҳам, ҳеч бўлмаса, бошқалардан айб қидирмаслиги лозим. Бордию бировнинг нотўғри иш қилаётганини кўриб қолса, аввало, у ҳақда яхши

гумон қилиши ва бошқаларга айтмаслиги керак. Шу орқали Аллоҳ таолодан гуноҳларини кечиришини ва яширишига умид қилса бўлади.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Банда дунёда бир банданинг айбини яширса, Аллоҳ қиёматда унинг айбини яширади”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Бошқа ҳадисда Абу Барза Асламий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй тили билан иймон келтириб қалбига иймон кирмаганлар жамоаси! Муслмонларни ғийбат қилманглар ва уларнинг айбларини ахтарманглар! Ким уларнинг айбини ахтарса, Аллоҳнинг Ўзи унинг айбларини ахтаради. Аллоҳ кимнинг**

**айбларини ахтарса, уни уйининг ичида шарманда қилади”**, дедилар (Имом Абу Довуд, Имом Термизий ривояти).

Ибн Яздон Мадоиний раҳимахуллоҳ айтади: “Шундай кишиларни кўрдимки, уларда ҳеч қандай айб-нуқсон йўқ эди. Аммо улар одамларнинг айблари ҳақида гапира бошладилар. Аллоҳ таоло ҳам уларда айбу нуқсонларни пайдо қилди ва ўзлари ўша гуноҳларни қила бошладилар. Яна бошқа кишиларни ҳам кўрдимки, уларнинг бир қанча айб-нуқсонлари бор эди. Аммо улар ўзгаларнинг айбини гапиришдан тийилганлари учун, Аллоҳ таоло уларнинг айбларини яширди ва гуноҳларини кечирди”.

Имом Сирри Сақотий раҳимахуллоҳ айтади: “Ўз айбларини кўра олмаслик ҳам истидрож

аломатидир”. Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳ: “Ким одамларнинг айбларини қидиришни тарк қилса, ўзининг айбларини кўриш бахтига эришади”, деган. Муҳаммад Куразий раҳимахуллоҳ айтади: “Аллоҳ таоло бандасига яхшилиқни ирода қилса, унга ўз айбини кўра олиш (басийрат) неъматини ато этади”. Бир ҳакимдан: “Нега одамлар бошқаларнинг айбини кўрганчалик ўзининг айбларини кўра олмайди?” деб сўрашди. Ҳаким: “Чунки инсон ўзига ошиқ, ошиқ эса, маъшуқининг айбини кўрмайди”, деб жавоб берди.

**Абу Абдурахмон Сулабийнинг**

“Нафс иллатлари ва уларнинг

муолажаси” китобидан

**Даврон НУРМУҲАММАД**

таржимаси

# Болангиз қандай сайтларга кияпти?..

Каҳф сурасининг 46-оятида: «**Мол-мулк, фарзандлар дунё ҳаётининг зийнатидир**» деб марҳамат қилинади. Ота-она учун фарзанд улугъ неъмат, унинг масъулияти ҳам шунга ярашади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўн миқдордаги нафл садақадан яхшироқдир**», деганлар (Имом Термизий ривояти). Шундай экан, дилбандларимизга ёшлик чоғиданоқ одоб-ахлоқни ўргатиб боришимиз ва бу борада асло сусткашлик қилмаслигимиз лозим. Зеро, бола — одоб билан азиз.

Исломда болалар тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли ва узоқ давом этадиган бурчидир. Ота-онанинг фарзанд неъматига ҳақиқий шукрлари ҳам айнан тарбия масъулиятини

шараф билан адо этиш, фарзандларни Аллоҳ таолога итоат этадиган қилиб тарбиялаш билан юзага чиқади.

Не машаққатлар билан ўстирган фарзандимиз улғайгач, йўриғимизга юрмаса, гап қайтарса, ҳатто кўл кўтарса, бундан ортиқ фожиа йўқ. Ибн Сино: «Ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, туриш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зеро, ёш бола ҳар бир нарсани уларга тақлид қилиб ўрганади ва улар билан дўст бўлади», дея ёзиб қолдирган.

Ҳозирги техника замонида таълим-тарбияга катта эътибор бериб, фарзандларимиз телефон орқали кимлар билан нималар ҳақида гаплашапти, қандай сайтларга кияпти, кимлар билан нима ҳақида ёзишапти, дўстлари кимлар — булардан албатта

бохабар бўлишимиз лозим. Зеро, огоҳлик бизни ғафлатда қолишдан, боламиз тарбиясини бой беришдан сақлайди. Фарзандимизни Ватанни севадиган, элу халқини ардоқлайдиган, ота-онасига олқиш олиб келадиган, одобли, ахлоқли, илмли инсонлар этиб улғайтирсак, зиммамиздаги вазифани адо этган бўламиз.

Отабек БОҚОНИЙ,

Чирчиқ шаҳар «Амир ўғли Ҳасанбой» жоме масжиди имом ноиб



## Табаррук қадамжолар

Нарпай тумани марказидан 8 километр узоқликда жойлашган «Кўк ота» зиёратгоҳи табаррук масканлардан ҳисобланади. Бу ерда валий зот — ҳазрат Саид Аҳмад Насафий қабри бор. «Кўк ота» у зотнинг халқ орасидаги номи бўлиб, бундай аталишини соқоли кўкимтир бўлгани ёки моҳир табиблиги, кўкйўтал, қизамиқ, бавосир каби касалликларга чалинган беморларни даволагани билан боғлашади. Маҳаллий аҳоли у зотни «авлиё ота» деб ҳам улуғлайди.

«Кўк ота» ҳазратлари тахминан 1419–1420 йилларда Қарши воҳасида, яъни ҳозирги Косон туманидаги Пудина қишлоғида дунёга келган. Отаси обрў-эътибори баланд, зукко ва билимдон шайхлардан саналган. Баъзи уламолар у зотни улугъ тариқат соҳиби Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг пири деб билишади.

Ҳазрат дастлаб отасидан илм олади. Сўнг бошқа олимларга шогирд тушиб, Куръон, ҳадис, фикҳ, илмларини мукамал эгаллайди. Айрим ривоятларда «Кўк ота»нинг ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд билан сабоқдош бўлгани айтилади.

У зот 1455 йиллар миёнасида бу ҳудудга кўчиб келади. Бу ерда маҳаллий

## “Кўк ота” зиёратгоҳи

аҳолига илм-маърифат улашиш билан бирга, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этади. Мадраса ва кўрғонлар қурилишига, ариқлар қазилишига ҳисса қўшади. Манбаларда қайд этилишича, Рўдфай шоҳ ариғи (ҳозирги Нарпай канали)ни қазиб ишларида жонбозлик кўрсатади.

«Кўк ота» ҳазратлари Нақшбандия тариқатининг давомчиларидан бири сифатида шуҳрат қозонган. Талабаларга фикҳдан сабоқ бергани ҳақида маълумотлар учрайди.

Мазкур қабристонда авлиё отанинг авлодлари, забардаст уламолар ҳам кўним топган. Умумий майдони ўн саккиз гектарни ташкил этадиган ушбу қутлуғ қадамжого нафақат юртимизнинг турли ҳудудларидан, балки чет элдан ҳам зиёратга келишади.

Ҳудудда «Кўк ота» жоме масжиди жойлашган. Баланд минорали масжид ёнида сўлим боғ, қаршисида эса ҳовуз бор. Ҳовуз атрофидаги барваста чинорлар остига сўрилар кўйилган. Зиёратчилар аввал масжид ҳовлисига, сўнгра масжид ортидаги кенг йўлак орқали Насафий ҳазратларининг хонақоҳига ўтишади. Мақбара қабристон ўртасида жойлашган бўлиб, кўшқулоҳлик гумбазсимон кўринишда бунёд этилган. Унинг баландлиги 3 метр, эни 5 метру 35 см. дан иборат. Масжид ва мақбара, ерости хонақоҳлари бир даврда барпо этилган. Ерости хонақоҳлари дастлаб 10 дан зиёд бўлиб, улардан 3 тасигина сақланиб қолган.

Мақбара деворидаги турли битикларга кўзингиз тушади. Хусусан,

ҳадиси шарифлар, Хожа Аҳмад Ясавий ҳикматлари ва ҳазрат Саид Аҳмад отанинг вафоти санаси ҳақида форсий тилда ёзувлар акс этган. Али Акбар Насафий томонидан ёзилган битиклардан авлиё отанинг милодий 1481 йилда вафот этгани англашилади.

«Кўк ота» табиблик билан ҳам шуғулланган. Тарихий манбаларда ёзилишича, қабристон ҳудудида 9 турдаги касалликка қарши даволаш нуқталари бўлган.

Чор Россияси истилоси вақтида масжид ва қабристондаги кўплаб қимматбаҳо ашё ҳамда буюмлар ўғирлаб кетилди. Кўп йиллар қаровсиз қолдирилган «Кўк ота» зиёратгоҳи мустақиллик даврида обод ва кўркем масканга айланди.

Шу кунларда у ерда замонавий, янги кўринишдаги масжид қад ростламокда. Амалга оширилаётган бундай бунёдкорликлар натижасида мўмин-мусулмонлар учун қулай шароитлар яратилиб, бу жойларнинг файзи, чиройи янада ортади, иншоаллоҳ.

Отабек ҚАМБАРОВ,

Нарпай тумани



## Масала

### Динда саволим бор...

**САВОЛ:** Саждадаги дуо ижобат, деб эшитганман. Саждада дуо қандай қилинади?

**ЖАВОБ:** Фарз ва вожиб намозларининг саждасида дуо қилинмайди, фақат тасбеҳ айтилади. Уламолар «**Банданинг Аллоҳ таолога** (Унинг раҳмати ва фазлига) **яқин бўлган ҳолати сажда ҳолатидир. Шунинг учун дуони кўн қилинг**», ҳадисидаги «**дуо қилинг**» деган сўзларини ташаххуд ва савотдан кейинги дуога йўйишган. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна бир ҳадисларида ташаххуд ва савотдан сўнг дуо қилишимизни буюрганлар. Баъзи уламолар эса, шу ҳадисга таяниб, нафл намозларининг саждасида дуо қилса бўлади деганлар. Сажда ҳолатда тасбеҳлар айтилгач, оят ва ҳадисларда ворид бўлган дуолар қилинади. Шунингдек, намоздан ташқаридаги саждада ҳам дуо қилиш жоиз.

**САВОЛ:** Кир ювиш машинасида ювилган кийимлар пок бўладими?

**ЖАВОБ:** Замонавий автомат кир ювиш машиналарида ювилган ҳар қандай кийим, гарчи унга нажосат теккан бўлса ҳам, тоза бўлади. Чунки автомат кир ювиш машинаси кийимни қайта-қайта сув тортиб ювади.

Таъкидлаш лозим, юқорида айтилган ҳукмлар фақат тўлиқ автомат кир ювиш машиналарига тегишли, ярим автомат ёки оддий кир ювиш машиналарига эмас. Ярим автомат кир ювиш машинасида ювилган кийимни поклаш учун яна уч марта чайиш, сиқиш ҳам керак.

5-бетда

# Саждаи саҳв масалалари



## Адо этиш тартиби

Намозни одоб, мустаҳаб, суннат ва вожибларига риоя этиб мукаммал адо этиш лозим. Киши намозда адашиб, унинг вожибларидан бирини адо этмаса, саждаи саҳв қилиши вожиб бўлади (*“Мабсут”*, 1-ж, 218-б.).

Ханафий мазҳабида имомга саждаи саҳв вожиб бўлса, охири қаъдада ташаххудни ўқиб бўлгач, ўнг томонга салом беради ва (намозни танҳо ўқийётган киши икки тарафига салом беради) жамоат икки марта сажда қилади, сўнг яна ташаххуд, салавот ҳамда дуо ўқиб, намозни тугатиш учун салом беради (*“Фатавойи Оламгирия”*, 1-ж, 65-б.).

Савбон розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расули акрам соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ҳар саҳв (адашиб) учун саломдан сўнг икки сажда лозим”**, деб марҳамат қилдилар (*“Бадоеъ ус-саноеъ”*, 1-ж, 183-б.).

## Ислом сабоқлари

## Қироатдаги саҳв

### Фотиҳа сурасини такрор ўқиш

Намоз ўқийётган киши фарз намозининг биринчи ё иккинчи ракатида янглишиб, Фотиҳа сурасини ёки унинг аксар қисмини икки марта ўқиса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Учинчи ё тўртинчи ракатида Фотиҳа сурасини такрор ўқиса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Аммо нафл ва суннат намозларнинг учинчи ё тўртинчи ракатида Фотиҳа сурасини такрор ўқиса, саждаи саҳв вожиб бўлади (*“Раддул мухтор”*, 1-ж, 458-б.; *“Фатавойи Оламгирия”*, 1-ж, 65-б.).

### Фотиҳа сурасининг аксар қисмини ўқиш

Фарз намозларининг аввалги, ундан бошқа намозларнинг ҳамма ракатларида Фотиҳа сурасининг кўп қисмини ўқиб, озроғини ташлаб кетиш билан саждаи саҳв вожиб бўлади.

Агар биринчи ёки иккинчи ракатда Фотиҳа сурасидан олдин бошқа сурани ўқиса, саждаи саҳв лозим бўлади.

### Фотиҳа сурасидан сўнг ташаххуд ўқиш

Агар биринчи ракатда Фотиҳа сурасидан сўнг ташаххуд (Аттаҳийёт) ни ўқиса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Агар ташаххудни Фотиҳа сурасидан олдин ўқиган бўлса, саждаи

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Ражаб ойи кирса, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Аллоҳим! Ражаб ва шаъбон ойларидан бизга барака бергин ва рамазон ойига етказгин”**, дер эдилар» (Имом Табароний ва Имом Байҳақий ривояти).

\*\*\*

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: **“Жаннатда Ражаб деган бир дарё бўлиб, унинг ранги сутдан-да оқ, таъми болдан-да ширин. Ким ражаб ойида бир кун рўза тутса, Аллоҳ таоло уни ўша дарёнинг суви билан сугоради”** (Имом Байҳақий ривояти).

саҳв вожиб бўлмайди (*“Фатавойи Оламгирия”*, 1-ж, 66-б.).

### Бир оятни қайта-қайта ўқиш

Имом бир оятни қайта-қайта такрорлаб, бир рукн миқдорича вақтни ўтказиб юборса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Худди шундай, муқтадий имомга қайта-қайта луқма берса ва унда бир рукн миқдорида кечиктириш бўлса ҳам, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Луқма берувчининг намози фосид бўлмайди (*“Раддул мухтор”*, 1-ж, 418-б.).

### Фотиҳа ёки замсурадан бирини ўқиш

Фотиҳа ва замсурани ўқиш вожиб бўлган ўринда улардан фақат биттасини ўқиб, рукуга кетса, саждаи саҳв вожиб бўлади (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддул мухтор”*, 1-ж, 424-б.).

### Қироат қилмай рукуга кетиш

Янглишиб, санодан сўнг қироат

қилмай, рукуга кетган киши рукудан қайтиб, Фотиҳани ҳам, замсурани ҳам ўқийди ва руку қилади. Намоз сўнгидан саждаи саҳв қилади (*“Фатавойи Оламгирия”*, 1-ж, 65-б.).

### Фақат иккита қисқа оят ўқиш

Янглишиб замсура ўрнига иккита қисқа оятни ўқиб, рукуга кетса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Агар буни қасддан қилса, намозни қайта ўқиши лозим (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддул мухтор”*, 1-ж, 308-б.).

### Фарзнинг охириги икки ракатида замсура ўқиш

Агар фарзнинг учинчи ёки тўртинчи ракатида Фотиҳа сурасидан сўнг унутиб ёки қасддан бирор сурани ўқиса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Раддул мухтор”*, 1-ж, 308-б.; *“Фатавойи Оламгирия”*, 1-ж, 126-б.).

Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг  
“Саждаи саҳв масалалари” китобидан

# Оила фаровонлиги эрнинг зиммасида

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **“Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қилдиган кишилар учун аломатлар бордир”** (*Рум сураси*, 21-оят).

Динимиз никоҳ билан ҳалол-пок яшаш ва солиҳ фарзандлар қолдиришни ибодат даражасига кўтарган. Оилага қилинган нафақа эса садақага тенглаштирилган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дунёда уйланмай ўтишдан қайтарганлар. Боиси, бу иш инсон наслини кесувчидир.

Ояти каримада бундай дейилади: **«Дарҳақиқат, Сиздан илгари ҳам (кўп) пайғамбарлар**

**юборганмиз ва уларга хотинлар ва зурриётлар берганмиз...»** (*Равъд сураси*, 38-оят).

Ҳадиси шарифда эса: **“Тўрт нарс пайғамбарларнинг суннатларидандир: хатна, мисвок, хушбўйланш ва никоҳ”**, дейилди (Имом Термизий ривояти).

Демак, оила куриб, аҳил-иноқ яшаш инсонга икки дунёда ҳам саодат келтиради. Афсуски, баъзи оилалар арзимаган камчилик ва муаммолар, синовлар сабаб ажрим ёқасига келиб қолмоқда. Аслида бу муаммоларни бартараф қилса бўлади. Бунинг учун кишида биров ирода бўлса бас. Зотан, оилани ҳар қандай йўл билан бўлса-да, сақлаб қолиш, авайлаб-асраш эр-хотиндан ташқари, яқинларининг ҳам биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим.

Динимизда оила мустаҳкам-

лиги учун эрга ҳам, хотинга ҳам алоҳида кўрсатмалар берилган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эътироф этилган. Жумладан, эр аёлининг қуйидаги ҳақларини адо этиши лозим: **махрини бериш, едириб-ичириш, кийинтириш ва уй-жой – маскан билан таъминлаш.**

«Муовия ибн Ҳайда розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан сўради: “Ё Расулulloх, аёлимизнинг устимиздаги ҳақлари нима?” **“Таомлансангиз, уни ҳам таомлантирасиз, кийинсангиз уни ҳам кийинтирасиз, юзига урмайсиз, ҳақорат қилмайсиз, (аразлашиб) ётоғини тарк қилсангиз, уйдан чиқиб кетмайсиз”**, дедилар у зот» (Имом Абу Довуд ривояти).

Шунингдек, эр хотинига яхши муомала қилиши, унинг баъзи камчиликларига кўз юмиши

керак. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Аёл қовурға кабидир. Уни тўғрилайман десангиз, синдириб қўясиз. У билан ҳаёт кечирмоқчи бўлсангиз, борица қабул қилиб яшанг”**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

«Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Ойша онамизга: **“Сени мендан розилигинг ва норозилигингни биламан”**, дедилар. У: “Қандай қилиб?” деди. **“Мендан рози бўлсанг, “Муҳаммаднинг Раббиси билан қасам”, норози бўлсанг, “Иброҳимнинг Раббиси билан қасам”, дейсан”**, дедилар у зот. Ойша онамиз: “Ҳа, (шундай) ё Расулulloх! Аллоҳга қасамки, мен фақат сизнинг исмингиздан юз ўғираман, холос (ўзингиздан эмас)”, деди».

Эр аёлини хуш кўрмаса ҳам, уни талоқ қилишга асло



# “Етти иқлим элин харидор эт...”

Низомиддин Мир Алишер Навоий болалик чоғларидаёқ Фаридуддин Атторнинг “Мантикут тайр” асарини ёд олган, Шарафиддин Али Яздийдек улуғ олимнинг назарига тушган, Мавлоно Лутфийнинг юсак баҳоларига сазовор бўлган буюк истеъдод соҳибидир.

Навоий ижоди ихлосмандларининг назмий асарларини йиғиб, ўзи тириклик давридаёқ “Илк девон”ни (1464–65) тузган эдилар.

“Мажолисун нафоис” асари XVI асрда Фахрий ибн Султон Муҳаммад Амирий, Муҳаммад Қазвиний ва Шоҳали Абдуали Нишопурий томонидан форс тилига уч марта таржима қилинган.

Буюк шоир асарлари XVI асрдаёқ Европа халқлари томонидан севиб ўқилган. Жумладан, 1557 йилда табризлик арман ёзувчиси Христофор Арманийнинг Ишбилияда итальян тилида “Сарандиб шоҳи уч ўғлонининг зиёрати” асари нашр этилган. Ушбу асарнинг иккинчи қисмида Навоийнинг “Сабаи сайёр” дostonидан олинган Баҳром ва Дилором саргузашти баён қилинган. Кейинчалик асар немис, француз ва голланд тилларига ҳам ўгирилиб, 11 марта қайта нашр этилган.

XVII аср грузин шоири Цицишвили Навоийнинг “Сабаи сайёр” дostonини эркин таржима қилиб, “Етти гўзал” дostonини ёзган.

1697 йилда француз олими Артолеми Д’Ербело “Шарқ кутубхонаси” энциклопедиясида Алишер Навоийни буюк шоир ва мутафаккир шахс сифатида эътироф этиб бундай дейди: “Мир Алишер Темурланг авлоди бўлмиш Султон Хусайн Мирзонинг вазири бўлиб, бу одам форс шеърлятида ҳам, туркий шеърлятида ҳам камолот пиллапоясига кўтарилган”.

1818 йилда немис олими Х. Пургшталл “Навоийга оид битиклар” асарида Навоийнинг насл-насаби,

давлат арбоби ва бунёдкорлик ишларига тўхталиб ўтади.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асари турк ва татар тилларига таржима қилинди.

XIX асрга келиб, Европада Алишер Навоий асарлари ва улар асосида тузилган луғатларни нашр этиш ишлари бошланди. Француз шарқшуноси Катрмер 1841 йилда Парижда Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” ва “Тарихи мулуки ажам” асарларини нашр эттиради.

Рус шарқшуноси В. Вельяминов 1868 йилда Алоий бинни Муҳибийнинг “Ал луғатун Навоият вал истишҳодатул чиғатоият” (“Навоий луғати ва чиғатой тили далиллари”) луғатини Санкт-Петербургда нашр эттиради.

Машхур шарқшунос олим В. Бартольд ўзининг “Мир-Али-Шир и политическая жизнь” (“Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт”) мақоласида Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига ижобий баҳо беради ҳамда Алишер Навоий ва Фаридуддин Аттор дostonларини қиёсий ўрганиш орқали ҳазрат Навоийнинг буюк шоир эканини исботлайди, навоийшуносликнинг ёрқин қирраларини тўғри баҳолаш йўллари очиб беради.

Немис олими А. Курелланинг “Буюк шоирнинг қайта кашф қилиниши” номли тадқиқоти Ғарб навоийшунослигида янги босқични бошлаб берди. Ушбу тадқиқотдан сўнг Ғарбда Навоий шахсияти энди икки йўналишда: ҳам буюк ижодкор, ҳам давлат арбоби сифатида тадқиқ қилина бошланди.

Ҳазрат Навоийнинг инглиз тилига илк маротаба таржима қилинган асари “Муҳокаматул луғатайн”дир. Уни ғарблик олим ва таржимон Роберт Деверу ўгирган ва 1966 йилда китоб шаклида босмадан чиқарган.

Буюк шоирнинг боқий асарлари дунё халқлари томонидан

ўрганилиши ва тадқиқ этилиши билан бирга дунёнинг кўплаб мамлакатларида у зотнинг ҳайкаллари ҳам қад ростламоқда. 2002 йилда Москвада, 2004 йилда Токиода, 2007 йилда Вашингтонда, 2008 йилда Бокуда, 2013 йилда Ўшда ҳамда Ашхободда мутафаккир шоирнинг ҳайкаллари барпо этилгани ўзбек халқига, ўзбек адабиёти ва санъатига чексиз ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Яқинда шоирнинг “Ҳайратул аброр” дostonининг насрий баёни ва бир нечта ғазаллари шарҳининг араб тилига таржима қилиниши қувонарли ҳодиса бўлди. Таржима дostonнинг Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Абдуқодир Ҳайитметов тайёрлаган насрий баён асосида амалга оширилди. Китоб Ислом цивилизацияси маркази илмий ходими Илёсхон Баҳромов таржимаси асосида “Зилол булоқ” нашриётида чоп этилди.

Умуман олганда, улуғ аждодимизнинг асарлари жаҳон адабиётининг энг ёрқин намунасидир. Қолаверса, ушбу асарлардан дунё халқлари баҳраманд бўлаётгани, ҳазрат Алишер Навоийнинг илгари сурган, орзу қилган умуминсоний ғояларни ўз ҳаётларга татбиқ этаётгани, албатта, қувонарли ҳолдир. Зотан, шоирлар султони “Сабаи сайёр” дostonи хотимасида ушбу муножот-дуони келтирадики, бугун бу илтижолар ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда:

*Дегонимни улусқа марғуб эт,  
Ёзгонимни кўнгулга маҳбуб эт.  
Тилга лафзини ногузир айла,  
Жонга назмини дилпазир айла...  
Халққа зеби торақ айла они,  
Ўқигонга муборак айла они.  
Етти афлокни анга ёр эт,  
Етти иқлим элин харидор эт.*

Кувасой шаҳар “Ислом” жоме масжиди имом ноиб **Олимжон ОБИДЖОНОВ** тайёрлади.

ҳам, болаларнинг нафақаси эр зиммасида қолаверади. Нафақа бериш ўғил болаларга балоғатга етгунча, қиз болаларга эса, турмушга чиққунча давом этади.

“Мухтасарул виқоя” китобида: “Болаларнинг нафақаси отасининг зиммасида, унга ҳеч ким бу ишда шерик бўлмайди (яъни, ёрдам бермайди)”, дейилади. Демак, ҳозирда тайинланаётган нафақалар (алимент)дан ота бош тортишга ҳаққи йўқ.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси **Ҳикматуллоҳ ТОШТЕМИРОВ**, Фатво маркази бош мутахассиси

## Масала

3-бетда

**САВОЛ:** Сичқон тушган ҳовузнинг ҳукми қандай бўлади?

**ЖАВОБ:** Сичқон оқувчи қонли жонивор бўлиб, ҳовузда ўлса сув нажосат бўлади.

Сичқон қудуққа тушиб ўлса, ундан 20-30 челақ сув чиқариб ташланади. Агар қудуқда ўлиб, шишса ёки титилса, қудуқнинг ҳамма сувини чиқариб ташлаш шарт (“*Фатҳу бабил иная*”).

**САВОЛ:** Жаноза намозини таҳоратсиз ўқиш бўладими?

**ЖАВОБ:** Йўқ. Жаноза намозини таҳоратсиз ўқиш мумкин эмас. Жаноза намозини ўқиш учун ҳам кишининг бадани таҳоратсизлик ва нажасдан, кийими ва жойи нажасдан пок бўлиши шарт. Жаноза намози бошланганидан кейин келган киши таяммум қилиб жанозага қўшилиши мумкин.

**САВОЛ:** Ўргимчак ёки чаён тушган сув билан таҳорат ола бўладими?

**ЖАВОБ:** Жумхур уламолар, шу жумладан ҳанафийлар ҳам ўргимчак, ари, суварак ва капалаклар сингари қони бўлмаган ҳашаротлар идишдаги сув ёки таомга тушса, ҳатто таом қайноқ бўлса ҳам, сув ёки таомни нажосат қилмайди, дейишган. У сувни ичиш ёки таҳорат ва ғусл учун ишлаш жоиз.

Ибн Қудома эса: “Агар пашша, чаён, қўнғиз ва шунга ўхшаш оқар қони бўлмаган ҳашаротлар озгина сувга тушиб ўлса, сувни нажосат қилмайди” деган (Ал-Мугний).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Эй Салмон! Таом ёки ичимликка (сувга) оқар қони бўлмаган жонивор тушиб ўлса, у таомни ейиш, ичимликни ичиш ёки у билан таҳорат қилиш ҳалолдир**”, дедилар (Имом Доракутний ривояти).

7-бетда

## Ислом сабоқлари

шошмаслиги керак. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки) балким сизлар ёмон кўрган нарсда Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин»** (Нисо сураси, 19-оят).

Эр аёлига лутфу марҳамат кўрсатиб, у билан ҳазил-мутойиба ҳам қилиб туриши керак. Пайғамбаримиз алайҳиссалом аёлларига лутф кўрсатиб, уларнинг кўнглларини кўтарганлар. Яхши муомала ва ўрни келганида ҳазиллашиш ўртадаги муҳаббатни мустаҳкамлайди.

Демак, оилавий муаммоларни бартараф этиш, уни ҳар томонлама

мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, эрнинг вазифасидир. Шунинг учун ҳам эр киши мулоҳазали, сабрли ва бағрикенг бўлиши керак.

Афсуски, орамизда дин-диёнат, инсонийликдан узоқ кимсалар аёлини хўрлаб, ҳақорат қилади, таъминотсиз ташлаб қўяди. Худди шу тоифадагилар одамлар орасида аёлини талоқ қилиш кўп учрайди. Таъкидлаш лозим, бу – оғир гуноҳ.

Динимиз ҳукмларига кўра, турмушни сақлаб қолишнинг ҳеч иложи бўлмай, сўнгра талоқ берилса, аёл эрнинг уйида туриб иддасини тугатиши керак. Муддат тугаб, эр-хотин бир-бирига бегона бўлса

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Зайнаб розияллоҳу анҳо Абул Ос ибн Робеънинг никоҳида эди. Унинг асл исми Қосим бўлиб, Қурайшнинг энг олижаноб, омонатдор ва мард кишиларидан эди.

Шунингдек, у Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга амакивачча бўлиб, насаби тўртинчи боболари Абдуманофда бирлашади. Онаси Ҳола бинти Хувайлид Ҳадиша розияллоҳу анҳонинг опаси эди. Ҳадиша онамиз Набий алайҳиссаломдан қизлари Зайнаб розияллоҳу анҳони унинг никоҳига беришни сўраган. Бу никоҳдан Али ва Умома исмли фарзандлар дунёга келди.

Набий алайҳиссалом рисолатни олиб келганларида Қурайш аҳли у зотга қарши бўлди. Абу Лаҳабнинг икки ўғли Утба ва Утайба Расулulloҳнинг қизлари Руқайя ва Умму Кулсум розияллоҳу анҳумони талоқ қилишди. Шундан сўнг Қурайшнинг катталари Абул Оснинг олдига бориб: “Хотинингга талоқ қўй, хоҳлаган қизингга уйлантириб қўямиз”, дейишди. Шунда у ҳали мусулмон бўлмаса-да: “Аллоҳга қасамки, ундан ажралмайман. Мен учун қурайш аёллари ичида ундан яхши-си йўқ”, деди. Қурайш бошлиқларининг босимига қарамай, аёлдан ажралмаслиги унинг қай даражада қатъиятли эканини яна бир бор исботлади.

Кейинроқ Бадр жангида Абул Ос ибн Робеъ мусулмонлар қўлига асирга тушди. Макка аҳли асирларни озод қилиш учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга фидялар жўнатишди. Зайнаб розияллоҳу анҳо ҳам

эри Абул Осни қутқариш учун бир халтачада ўзининг тақинчоқларини юборди. Унинг ичида Ҳадиша онамиздан қолган тақинчоқ ҳам бор эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам тақинчоқни кўриб кўнгиллари бузилиб кетди ва: **“Зайнаб мана бу нарсаларни Абул Оснинг фидяси учун жўнатибди. Агар унинг асирини озод қилишни ва молини қайтаришни хоҳласаларингиз шундай қилинглар”**, дедилар. Саҳобалар: “Албатта, бажонидил”, деб рози бўлишди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абул Осни қўйиб юборишдан аввал Маккага боргач, кечиктирмай Зайнаб розияллоҳу анҳони Мадинага жўнатиб юборишни шарт қилдилар. Абул Ос Маккага етиб келиши билан ваъдага мувофиқ, қанчалар яхши кўрса ҳам, аёлини Мадинага жўнатиб юборди. Мана шу воқеа сабаб Набий алайҳиссалом Абул Осни: **“Мен билан гаплашди ва рост гапирди. Менга ваъда берди ва ваъдасига вафо қилди”**, деб мактаганлар.

Аёлидан кейин Абул Ос Маккада сўққабош бўлиб қолди. Бир куни у тижорат карвони билан Шомдан қайтаётиб, Мадина яқинида мусулмонлар сарияси (кам сонли қўшин)га дуч келди. Мусулмонлар карвонни қўлга киритиб, кишиларни асир олишди. Абул Ос қочиб кутулди. Кеч киргач, Мадинага яширинча келиб, Зайнаб розияллоҳу анҳонинг уйига кирди ва ундан ҳимоя сўради.

Тонгда Набий алайҳиссалом меҳробда одамлар билан намоз

ўқиётганларида Зайнаб розияллоҳу анҳо масжидга кириб банд овозда: “Эй инсонлар, мен Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Зайнабман, мен Абул Осни ўз ҳимоямга олдим”, деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан сўнг: **“Мен эшитган нарсани сизлар ҳам эшитдингларми?”** дедилар. Саҳобалар: “Ҳа, эшитдик, ё Расулulloҳ”, дейишди. У зот: **“Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар эшитган нарсани, эшитмагунимча бу нарсадан хабардор эмасдим”**, дедилар. Намоздан чиқиб, тўғри Зайнаб розияллоҳу анҳонинг уйига бордилар. Зайнаб розияллоҳу анҳо отасидан Қурайш карвонидаги моллар Абул Осга қайтариб берилишини сўради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сарияда қатнашганларни чақириб: **“Агар Абул Оснинг нарсаларини қайтарсангиз, биз яхши кўрган иш бўлар эди. Агар бош тортсангиз, Аллоҳ сизларга берган мулкдир, сизлар унга ҳаққироқсиз”**, дедилар. Саҳобалар: “Унга молини қайтариб берамиз”, деб олган барча катта-кичик нарсаларни келтириб беришди.

Абул Ос карвонни Маккага етказиб, молларни эгаларига топширди ва: “Эй Қурайш аҳли, сизлардан бирортангизнинг менда моли қолдими?” деди.



Улар: “Йўқ, қолмади. Аллоҳ сени яхшилик билан мукофотласин, қанчалар сахийсан”, дейишди. Шунда Абул Ос: “Мен сизларнинг ҳақларингизни адо қилдим, энди гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир!” деди-да, Мадинага йўл олди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни яхши кутиб олдилар ва қизлари Зайнабни унга қайтариб бердилар. Абул Ос ибн Робеъ розияллоҳу анҳо ҳижратнинг ўн иккинчи йилида вафот этди.

 **Боборавшан РАСУЛОВ,**  
Тошкент туманидаги  
“Ҳамд” жоме масжиди имом ноиби

Боборавшан Расулов 1995 йил Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида тугилган. 2019 йилда Тошкент ислом институтини битирган. 2021 йилдан Тошкент ислом институти Ахборот-ресурс маркази ходими ҳамда Тошкент туманидаги “Ҳамд” жоме масжиди имом ноиби.



### Яхшиликка чақириш

## Улар энг яхши муомалага муносиб

Ишга шошяпман. Аксига олиб, ўғилчамни ҳам энагасига ташлаб ўтишим керак. Энага турадиган уйга яқинлашганимда, “Қизим...” деган заиф овоз эшитилди. Қарасам, сал нарироқда ёши саксонлардан ошган онахон қўлида туғуни билан ўтирарди. Салом бериб, яқинлашдим.

— Ва алайкум ассалом. Илтимос, қизим, ёрдамлашиб юборинг, 9-қаватда тураман.

— Майли, фақат ўғлимни ташлаб чиқай, кейин сизга ёрдамлашаман.

— Майли болам, майли...

Ўғлимни энагага топширгач, онахоннинг ёнига келдим. Қўлидан тутиб, туғунини олишим билан дуо қила бошлади:

— Илоҳим, болаларингиз роҳатини кўринг, ниятингизга етинг!

— Омин... Эрта тонгда катта туғун билан қаёқдан келяпсиз?

— Узоқданмас, Юнусободдан. Кеча кетгандим, ўғлимникига. Бир кун сиғмадим уйига, бир кун!

Онахоннинг ўпкаси тўлиб кетди... Ёшлана бошлаган кўзларини рўмоли четига артганча, яна мени дуо қилишга тушди... Онахон айтган хонадон тугмасини босдим. Басавлатгина аёл эшикни очди. Қизи экан. Онасини бағрига босди: “Ёлғиз келдингизми? Чақирсангиз ўзим олиб келардим-ку!”

“Алҳамдулиллаҳ, қизи меҳрибон экан...” деган ўй ўтди кўнглимдан.

Онахоннинг бугун қалтираб

турган қўллари бир пайтлар ўша ўғлига беланчак бўлган. Унга ширин таомлар пишириб берган, кирларини ювган. Бугун ўзи қандам босолмаётган оёқлари билан боласи учун елиб-югурган. Нурсиз бу кўзлари боласининг бошида неча тунларни бедор ўтказган. Ўғлининг бемехрлиги наҳот шу хизматлари учун айтилган “раҳмат” бўлса?! Ахир Аллоҳ таоло: **«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингизда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!...” дема ва уларни жерки-ма! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга меҳрибонлик билан**

**хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!”» (Исро сураси, 23–24-оятлар)** деб буюрмаганми?!

Юқоридаги воқеадан яна бир нарсани англаб етдим: фарзандлар ҳаққига кўпроқ дуо қилиш керак. “Аллоҳим, фарзандларимизни турли фитналардан, шайтон васвасаларидан ўзинг сақла. Сенинг тоатингга бўладиган диёнатли бандаларингдан қил! Ота-онаси ва жигарларига меҳрибон айла! Ҳеч бир бандангни ўзингдан ўзгага муҳтож этма!”

 **Дўстназар ҚИЛИЧЕВ,**  
Тўртқўл тумани бош имом-хатиби

# Қиссаларнинг энг яхшиси ёхуд ажойиб туш

Юсуф оилада энг кичик, чиройли ва зийрак фарзанд эди. Отаси уни бошқа болаларидан кўра кўпроқ яхши кўрарди.

Тунларнинг бирида Юсуф ажойиб туш кўрди. Тушида ўн бир юлдуз, қуёш ва ой унга сажда қилаётган экан. Юсуф бундан қаттиқ таажжубланди. Отасининг олдига бориб, кўрган тушини унга айтиб берди: **“Эй отажон, мен ўн битта юлдуз, қуёш ва ойнинг менга сажда қилаётганларини кўрдим”** (Юсуф сураси, 4-оят).

Яъқуб алайҳиссалом ўғлининг бу тушидан хурсанд бўлиб: **“Эй Юсуф! Аллоҳ сенга барака берсин, шаънинг улуг бўлар экан! Бу туш илм ва нубувват башоратидир. Аллоҳ уни боболаринг Исҳоққа ҳам, Иброҳимга ҳам инъом этган. Албатта, У сенга ҳам, Яъқуб авлодларига ҳам инъом этади”**.

Яъқуб одамларнинг табиатини, ҳатто шайтонни қандай маълум этишни ҳам билар эди. У ўғли Юсуфга: **“Эй болам! Бу тушни акаларингдан бирортасига айтма, чунки улар сенга ҳасад қилиб, душманга айланишлари мумкин”**, деди.

## “Юсуфни бўри еди...”

Яъқуб алайҳиссалом Юсуфни акаларига сира ишонмас, уларнинг Юсуфга ҳасад қилишларини яхши биларди. Бир куни акалари: **“Эй отажон, нима учун Юсуфни биз билан бирга юбормайсиз? Ахир биз бир отанинг фарзандларимиз-ку! Эртага уни биз билан бирга юборинг, еб-ичиб, ўйнаб келади. Албатта, биз уни муҳофаза**

\* Давоми, боиланиши ўтган сонда.

**қилувчилармиз”**, дейишди (Юсуф сураси, 12-оят).

Юсуфни ўзидан узоқлаштиришни истамаган Яъқуб алайҳиссалом ўғилларига: **“Сиз ундан ғофил қолсангиз, уни бўри еб кетишидан қўрқаман”**, деди (Юсуф сураси, 13-оят).

Ўғиллари бир овоздан: **“Ҳеч қачон! Биз турганимизда уни бўри қандай ҳам есин, ахир биз кучли йигитлармиз-ку!”** дейишди. Ахийри Яъқуб алайҳиссалом Юсуфга акалари билан ўйнаш учун рухсат берди. Акалари бундан хурсанд бўлишди. Улар ўрмонга бориб, ўша ердаги суви қуриб қолган бир қудуққа Юсуфни ташлаб юборишди. Жоҳил акалар укасига ҳам, отасига ҳам раҳм қилишмади.

Юсуфни чуқур ва қоронғи қудуқда қўрқув чулғаб олди. Шунда Аллоҳ таоло Юсуфга нидо қилди: **“Маҳзун бўлма, қўрқма. Албатта, Аллоҳ сен билан биргадир. Сени буюк ишлар кутмоқда. Ҳали акаларинг олдинга келишади. Ўшанда сен уларга қилмишларини эслатасан”**.

Акалари эса: **“Энди отамизга нима деймиз?”** деб ўйланиб қолишди. Улардан бири: **“Отамиз уни бўри ейишидан қўрқаман дер эди. Биз ҳам, эй ота, сиз тўғри айтган экансиз, уни бўри еб кетди, деймиз”**, деди. Иккинчиси: **“Бунинг белгиси нима бўлади?”** деди. Бошқалари: **“Бунинг белгиси қон”**, дейишди. Шундай қилиб, улар бир кўчқорни сўйиб, унинг қонига Юсуфнинг кўйлагини бўяшди. Сўнг: **“Энди отамиз бизга ишонади”**, дея уйларида қайтишди.

**«Кечқурун йиғлаган ҳолларида келиб, оталарига: “Эй отажон, биз Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб, ўзимиз қувлашиб**

**кетсак, уни бўри еб қўйибди”, деб унинг ёлғон қонга бўялган кўйлагини келтиришди...»** (Юсуф сураси, 16–18-оятлар).

Маълумки, одамни еган бўри унинг кийимларини ҳам йиртиб, парчалаб ташлаши керак. Аммо Юсуфнинг кўйлаги эса, қонга бўялган бўлса-да, бус-бутун эди. Яъқуб алайҳиссалом Юсуфни бўри еб кетмаганини, балки акалари унга нимадир қилганини дарҳол сезди ва: **“Бу қиссани ўзингиз тўқигансиз. Энди (менинг ишим) чиройли сабр (қилиш)дир”**, деди (Юсуф сураси, 18-оят).

Яъқуб алайҳиссалом суюкли ўғли Юсуф учун қаттиқ қайғурса-да, болаларига ортиқ ҳеч нима демади.

## Бир неча дирҳамга сотилган Юсуф

Юсуф зимистон қудуқ ичида қолиб кетди. Ётиш учун бирор тўшаги ҳам, ейишга бирор овқати ҳам йўқ. Отасини соғинди. Бир муддат ўтгач, қудуқ яқинидан бир савдо қарвони ўтиб қолди. Улар йўлдан чанқаб келишаётган эди. Қудуқни кўриб, сув олиб келиш учун бир кишини юборишди. У келиб, арқон бойланган челақни қудуққа ташлади. Арқонни тортиб кўрган эди, челақ анча оғир туюлди. Бир амаллаб уни тортиб чиқарди. Қараса, ичида бир болакай ўтирибди. У ҳайратланганидан бақириб юборди: **“Суюнчи беринглар! Бу бола-ку!”** (Юсуф сураси, 19-оят).

Савдо қарвонидагилар Юсуфни ўзлари билан Мисрга олиб кетишди. Уни сотиш учун кул бозорига олиб чиқишди. Юсуфни Миср вазири Азиз арзимаган баҳога – бир неча дирҳамга сотиб олди. Сўнг

## Масала

5-бетда

**САВОЛ:** Қабристонда одамлар бир ҳовуч тупроққа суфлаб, бир идишга солишади, сўнг уни маййитнинг қабри устига сочишади. Яна дафн давомида “белкуракни қўлдан-қўлга бермай, ерга қўйинглар”, дейишади. Шулар тўғрими?

**ЖАВОБ:** Дафн маросимида қатнашаётган кишилар имкони бўлса ҳар бирлари қабрга ундан чиққан тупроқдан уч сикимдан ташлаши мустаҳабдир. Биринчи ҳовучни ташлаганда **«Минҳаа холақнаакум («Биз сизларни ундан (ердан) яратдик)»**, иккинчи ҳовучни ташлаганда **«Ва фийҳаа нуъийдукум» («Ва сизларни унга қайтарурмиз)»** ва учинчи ҳовучни **«Ва минҳаа нухрижукум тааротан ухро» («Ва (қиёмат кунида) сизларни яна бир марта ундан чиқарурмиз)»**, дейди.

Аммо тупроққа пуфлашиб, уни бир идишга солиб, қабрга сочиш мўътабар китобларимизда ворид бўлмаган. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жаноза намозини ўқидилар, сўнг қабр ёнига келиб, унинг бош томонидан уч марта тупроқ сочдилар”** (Имом Ибн Можа ривояти).

Дафнда белкуракни қўлдан қўлга бермаслик ирим, хуруфот бўлиб, динимизга ётдир.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

уйига олиб келиб, хотинига бундай деди: **“Юсуфнинг ҳурматини жойига қўй, чунки у ақлли бола...”**

Абул Ҳасан Али Ҳасан Надавийнинг **“Пайгамбарлар қиссаси”** китобидан **Анвар АҲМАД** таржимаси

## Тонгги зикрлар

Абон отаси Усмон розияллоху анҳудан ривоят қилиб айтади: **«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг “Ким: “Бисмиллаҳиллазий лаа язурру маъа-смиҳи шайъун фил арзи ва лаа фис-самаи ва Ҳувас-самийъул алийм”ни уч марта айтса, кеч киргунча унга тўсатдан келадиган бало етмайди”**, деганларини эшитдим.

Абонга фалаж етди. Ундан юқоридаги ҳадисни эшитган киши унга (ажабланиб) қарай бошлади. Шунда Абон унга: **“Нега менга (бундай) қараясан?! Аллоҳга қасамки, мен Усмонга (яъни отамга) ёлғонни нисбат бермадим. Усмон ҳам Набий соллаллоху алайҳи ва салламга ёлғонни нисбат бермаган. Аммо менга мусибат етган**

**куни ғазабланиб, уни айтишни унутибман (яъни, мазкур дуони айтмаган куним менга мусибат етди)”, деди»** (“Сунан” эгалари ривоят қилишган).

Имом Абу Довуднинг ривоятида **“Ким уни кечки пайт айтса, тонг отгунча унга тўсатдан келадиган бало етмайди”**, дейилган.

Дуонинг арабча матни қуйидагича:

بِسْمِ اللَّهِ الَّذِي لَا يَضُرُّ مَعَ اسْمِهِ شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ، وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

Имом Куртубий раҳимахуллох айтади: **“Бу ҳадис ишончли ва ҳақ сўздир. Унинг исботини нақлий**

далил ва тажрибада билганмиз. Шу ҳадисни эшитганимдан бери унга амал қилиб келаман. То уни тарк этмагунимча, менга бирор зарар етмаган. Бир куни кечаси Мадинада мени чаён чақиб олди. Ўйлаб кўрсам, ўша куни мазкур калималарни айтишни унутган эканман” (Ибн Аллон, “ал-Футуҳотур роббания”).

Демак, мўмин киши ушбу калималарни эрталаб (тонг отгандан қуёш чиққунча) ва кеч (асрдан кун ботгунгача) айтиб юришни одат қилиши керак.

Шуни ёдда тутиш лозимки, мазкур дуо ва калималар Аллоҳнинг изни билан мўмин кишини барча зарарлардан муҳофаза қилади. Лекин бу муҳофазангиз кафолати нақд бўлди, дегани эмас. Гоҳида ушбу муҳофаза зикрларини айтган кишига ҳам бирор бало етиши мумкин. Албатта, бу Аллоҳ таолонинг тақдиридир. У Зотнинг ҳар бир иши ва тақдири ҳикматдан холи эмас. Биз бандаларга сабабларни қоим қилиб, натижани Аллоҳ таолога ҳавола қилиш буюрилган.



Ушбу масжид 1160 йилда фотимийлар салтанати вазири Талай ибн Руззиқ буйруғи билан қурилган. 1171 йилда фотимийлар халифалиги тугатилган бўлса-да, мазкур масжид ўша даврнинг кўзга яққол ташланадиган ёдгорликларидан бири сифатида ҳозиргача сақланиб қолган.

Фотимийлар ўзларини Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизлари Фотима розияллоҳу анҳонинг авлодлари деб билдилар. Масжид дастлаб ҳижрий 680 йилда Карбало даштида ҳалок бўлган ва Али ўғли Хусайн бошининг қўнимгоҳи бўлсин деган ниятда барпо этилган.

Масжиднинг баланд пойдевори кўчага уч томондан (қибладан ташқари) бўртиб чиққан бўлиб, улар дўконлар учун мўлжалланган. Шундай қилиб, бу Қоҳирадаги биринчи "осма" масжид (ибодатхона кўча сатҳидан бирмунча баланд) бўлган. Масжидга кириш эшиги бешта равоқли айвон билан ўралган бўлиб, бу Қоҳира меъморчилигига хос эди.

## Шифо Аллоҳдандир

### Занжабил

Занжабил шамоллаш ва гриппга даво. Яна бир фойдали жиҳати, у ортиқча вазн келиб чиқишига йўл қўймайди. Бунинг учун ҳар куни нонуштадан аввал занжабил шарбати ичиш тавсия этилади. У қуйидагича тайёрланади: занжабил майдаланиб, сувга солинади. Устидан лимон шарбати ва асал қўшилиб, музлаткичда бир кечага қолдирилади. Ҳосил бўлган дамламани 3-5 кун давомида ичиш мумкин.

### Анор

Анор таркибида С витамини, фолий кислотаси ва антиоксидантлар мавжуд. Булар совуқ мавсумда жуда муҳим ҳисобланади. Ундан

Масжиднинг ички ҳовлиси атрофи арklar билан ўралган, жануби-шарқий тарафдаги қибла кенгайиб, уч қатор равоқли намозхонани ташкил қилади. Масжиднинг фотимийлар даври безаклари ташқи томонига ўралган камарлардан иборат бўлиб, ички қисмида устунлар орасига ўймакорлик усулидаги ёғоч тўсинлар, намозхонадаги арklarда куйи услубидаги Қуръони карим оятлари ва тахта пардали деразалар мавжуд (уларнинг асл намунаси ҳозир Қоҳирадаги Ислом санъати музейида сақланади). Ушбу декоратив унсурларнинг баъзиларидан фотимийлардан кейинги даврлар меъморчилигида ҳам фойдаланилган.

1303 йилдаги зилзиладан жиддий зарар кўрган масжид биноси қайта қурилган. Шу билан бирга, ёғочдан ўйиб ясалган асосий эшикларга мамлук услубидаги бронза қопламалар қўшилган. Ҳозирги эшиклар нусхалари билан

алмаштирилган. Мамлукларнинг бронза қопламлари ва ёғочдан ўймакорлик усулида ясалган фотимийлар даври эшикларининг асл нусхалари Қоҳирадаги Ислом санъати музейида намоиш этилмоқда. Мамлуклар таъмири пайтида масжид олдидаги айвонга ёғоч панжаралар ҳам қўшилган. Масжид ичидаги минбар ҳам мамлуклар даврига оид (1300 йиллар атрофида ясалган), уни мамлук амири Бахтимурод Жугандор совға қилган. У ғоят катта маҳорат билан ясалган, шу сабабдан Қоҳирадаги ноёб минбарлардан бири саналади.

Бугунги кунда масжиднинг пойдевори (бир замонлар ташқи томонидан қурилган дўконлар билан бирга) ҳозирги кўча сатҳидан деярли икки метр пастда қолиб кетган. Бу шаҳарда кўча сатҳи XII асрдан бери қанчалик кўтарилганини кўрсатади.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

витаминга бой шарбатлар тайёрлаш мумкин. Шунингдек, анор дончаларини ўзини истеъмол қилиш ёки салат ва таомларга қўшиш тавсия этилади.

### Цитрус мевалар



Апельсин, мандарин, грейпфрут каби цитрус мевалардаги С витамини совуқ мавсумда касал бўлмасликка ёрдам беради. Уларни шунчаки ўзини истеъмол қилиш мумкин ёки шарбат, салат ва ширинликлар билан тановул қилса бўлади.

### Сабзи

Сабзи В, С ва Е витаминларига бой бўлиб, терининг янгиланиши ва организмнинг

соғлом ишлашига ёрдам беради. Сабзи шарбати учун 3-4 сабзи ва битта тозаланган апельсин шарбат чиқаргичга солинади ва тайёр бўлганидан сўнг бир неча томчи зайтун ёғи қўшилади.

Ёки сабзининг ширинроқ турини танлаб оласиз. Пўстини арчиб, шарбат сиқиб чиқарувчи аппаратдан ўтказасиз. Бир стакан сабзи шарбатига 1 ош қошиқ лавлагли сувидан қўшиб юборсангиз, унинг фойдали хусусияти янада ошади.

### Ошкўк (сельдерей)

Ошкўк шарбати танадаги токсинларни чиқариб ташлайди, терини ёшартиради ва қариш жараёнини секинлаштиради. Тайёрлаш усули: иккита ошкўк дастаси, битта олма, икки ош қошиқ лимон шарбати ва бир чой қошиқ занжабил илдизи билан бирга шарбат чиқаргичдан чиқарилади.



## Ҳикмат излаганга...

### Уч хил ҳадя...

Қадим замонда бир валий зот бор эди. Барча ундан мамнун, чиқарган қарорларидан шод, маслаҳатидан кўнгиллари тўқ эди. Фақат биргина одам доимо бу зотни ёмонлар, имкон топиши билан обрўсини тўкишга ҳаракат қиларди.

Валий зот унинг бу қилмишларидан бохабар бўлса-да, сабр қилар, аҳмоққа берилган энг яхши жавоб сукут, дерди ўзига ўзи.

Бир куни валий зотнинг хизматчиси ўша кишининг эшигини тақиллатди. Унга бир қоп ун, совун ва бир тўрвада новвот олиб келди.

Бадкирдор дарҳол, буни ҳойнаҳой тилимни тийиб юришим учун жўнатишганов, деди ўзича ва шаҳардаги бошқа бир донишманднинг ҳузурига бориб, вазиятни маълум қилди. Ўз фикрини айтди, кейин сўради: — Сиз қандай фикрдасиз?

Унинг яхшилиқдан ҳам ёмонлик қидирганидан ранжиган донишманд бундай жавоб берибди:

— Қанақа аҳмоқ одамсан?! Ун қорнингдаги очликни, совун эгнингдаги кирларни, новвот эса тилингдаги аччиқни кетказиш учун-ку! Қалбингдаги моғорни кетказиш эса, гуноҳлардан чин тавба қилишинг билан бўлади...

Нигора АБДУМУХТОР қизи тайёрлади.

## ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриёт ҳисобчиси Дилшод Мамадалиевга отаси **Саминжон МАМАДАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Аллоҳ таоло марҳум Саминжон отани раҳматига олсин, маконини жаннат қилсин. Бу дунёда қилган барча хайрли ишларини бошларига соя, охиратларига захира айлсин. Ортда қолган барча яқинларига гўзал сабр берсин.

Иннә лилләҳи ва иннә илайҳи рўжйуң!

## Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамсуддин Нури

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

## Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR  
Sodiq TOSHBOYEV  
Homidjon ISHMATBEKOV  
Jaloliddin HAMROQULOV  
Obidjon QODIROV  
Uyg'un G'OFUROV  
Muhammadsharif JUMAN  
Xolmat ATABAYEV  
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV  
Hikmatulloh TOSHEMIROV  
Muzaffar KAMOLOV  
Azizbek XOLNAZAROV  
Jamoatchilik kengashi  
Alisher ESHIMOV  
Islomiddin ZUHRIDDINOV  
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.  
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.  
m-nashr@mail.ru  
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195  
ISSN 2091-5225  
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: **Azizbek XOLNAZAROV**  
Musahhiha: **Zebo OMONOVA**  
Sahifalovchi: **Komiljon MAHMUDOV**  
Ekspertizaga berildi: 08.01.2024  
Xulosa (№03-07/176) olindi: 15.01.2024  
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 11.000  
24-3/2-buyurtma.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!